МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ РЕЖАСИ ВА ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Б.Қурбонов, А.А.Запаров

Мақолада замонавий талаблар асосида меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш, шунингдек, улар учун оптимал ўқув режаси ва дастурлари тузиш имконини берувчи илмий ахборот тақдим қилинган.

Калит сўзлар: *ўқув режа, ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, давлат таълим стандарти.*

В статье представлена научная информация, дающая возможность подготовки учителей трудового обучения с учётом современных требований, а также составления оптимальных планов и программ для достижения этой цели.

Ключевые слова: *учебный план, учебная программа, рабочая учебная программа, государственный образовательный стандарт.*

This article deals with the problems of training teachers of labour educationas well as optimal ways of compiling the syllabus and programs for the academic process.

Key words: *syllabus, academic program, working out the curriculum, state education standards.*

Ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари учун тайёрланаётган бўлажак мутахассис кадрларнинг етук, малакали бўлиши кўп жиҳатдан умумтаълим мактабларида ўзлаштирилган таянч билимлари ва ўқитувчиларнинг маҳоратларига боғлиқдир. Шундай экан, мактаб ўқитувчиларини замон талаблари даражасида тайёрлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу сабабли педагогик олий ўқув юртлари олдига педагог-ўқитувчилар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини зудлик билан ислоҳ қилишдек муҳим вазифа қўйилган.

Айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол қилиб тарбиялашда юқоридаги вазифаларни оғишмай бажариш талаб этилади. Бу эса меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаб бераётган олий ўқув юртлари зиммасига ҳам таълим тизимининг амалий савиясини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклайди.

Шу кунгача умумтаълим мактабларининг меҳнат таълими фани бўйича қабул қилинган давлат таълим стандартлари (ДТС)да ўқувчиларга, асосан, маҳсулот ва материаллар ҳамда уларга ишлов бериш, тайёр маҳсулот яратиш технологияларини ўргатиш кўзда тутилган. Умумтаълим мактаблари меҳнат таълими ўқитувчиларидан ўқувчи ёшларга қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий ва озуқавий қийматларини, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов беришнинг барча усулларини ҳамда улар орқали истеъмол маҳсулотларини тайёрлаш жараёнларини ўргатиш талаб қилинади. Меҳнат таълими ўқитувчилари ДТС талаби бўйича ўқувчиларга қурилишда материаллар сифатида ишлатилувчи ёғочлар, саноатда ишлатиладиган металлар, енгил саноатда ишлатиладиган газламалар, қишлоқ хўжалигида асосий ишлов бериш объекти ҳисобланадиган тупроқ кабилар таркиби, хоссалари, зарурият асосида уларнинг таркибини ўзгартириш, тегишли иш қуроллари ва техник воситалар билан уларга ишлов бериш усуллари, шу усуллар ёрдамида маҳсулот яратиш технологиялари ҳақида билим бериши зарур бўлади.

Ҳозирги кундаги ДТС бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчиларига меҳнат таълимининг қуйидаги йўналишлари бўйича билим берилмоқда:

1.Технология ва дизайн.

2. Сервис хизмати.

3. Қишлоқ хўжалиги асослари.

Ўқувчиларга мазкур йўналишларда билим бериш учун меҳнат таълими ўқитувчиларининг қуйидагиларни билиши шарт қилинади:

- металл ва ёғоч, газламага ишлов бериш технологияси, уларнинг таркибий тузилиши, олиниши, хосса ва хусусиятлари ҳамда уларни аниқлаш, ташқи муҳит ва кучлар таъсирида ўзгариши ҳамда мустаҳкамлик даражасига мувофиқ ишлатилишини амалий билиш;

- металл ва ёғоч ҳамда газламаларга ишлов берувчи асбоб-ускуна, механизм, мослама, станок ва машиналар ҳақида амалий кўникмаларни ўзлаштириш;

- уларга ишлов бериш усулларини пухта билиш, бевосита ишлов бериб, тайёр маҳсулот яратиш жараёни бўйича малака-маҳоратни тўлиқ эгаллаш.

Шу билан бирга, меҳнат таълими ўқитувчилари қишлоқ хўжалиги асослари бўйича таълим жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш учун ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган тупроқ турлари, хоссалари, унумдорлиги, тўйинтириш усуллари, ишлов бериш ва унда ишлатиладиган қуроллар ва машиналар ҳақида, ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича, уларни уйғунлаштириш ҳақида етарли назарий ва амалий билимга эга бўлишлари керак. Пазандачилик асослари бўйича машғулот олиб бориш учун эса қишлоқ хўжалик озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби, инсон организми учун аҳамияти, озуқавий қиймати, уларга ишлов берувчи иш қуроллари ва машиналари тўғрисида зарурий билимга эга бўлишлари шарт.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштирган ҳолда меҳнат таълими бакалавр йўналиши ўқув режасини тайёрлаш бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Амалдаги ўқув режасидаги “Конструкцион материаллар технологияси” фани ўрнига умумтаълим мактаблари эҳтиёжларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари, тупроқ, металл, ёғоч, газлама кабиларнинг хоссалари, хусусиятлари, зарурият бўлса, уларнинг таркибини ўзгартириш технологияларини тўлиқ қамровчи “Материаллар ва маҳсулотлар технологияси асослари” фани қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ўқув режадаги “Материалларни кесиб ишлаш, асбоблар ва станоклар” фанини “Материаллар ва маҳсулотларга ишлов бериш” деб номланса тўғрироқ бўларди.

3. “Метрология, стандартлаш ва сертификация” фанининг ўқув дастурини кенгайтириш зарур, чунки ҳозирги дастур фақат ёғоч ва металга тегишли бўлиб қолган.

4.“Механизациялаш ва автоматлаштириш асослари” фани эса фақат саноат ишлаб чиқаришини ўргатишни кўзда тутади. Шунинг учун бу фанни “Сервис ва ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш” фани билан алмаштириш зарур.

5. Ўқув режасидаги инженерлик фанлари ҳисобланган “Назарий механика”, “Машина ва механизмлар назарияси”, “Машина деталлари”, “Гидравлика ва гидравлик машиналар”, “Иссиқлик техникаси” фанларини умумлаштириб, “Машинашунослик” номида 2-курснинг 1-2-семестрида ўқитиш зарур.

6. “Касб таълими практикуми” фанига ажратилган соатларни (582 соат) умумтаълим мактабларидаги 3 та йўналишга бўлиш зарур ва шунга асосан ДТС ва дастур ёзилиши керак (ҳар бир йўналишга 194 соатдан). Бу фаннинг ўғил ва қиз болалар учун алоҳида ўқитилиши (технология ва дизайн, сервис хизматлари йўналишларида) ва умумий тарзда ўқитилиши (қишлоқ хўжалиги асослари йўналишлари) кўзда тутилмоғи лозим.

7. Ўқув режасининг якуни ҳисобланган битирув малакавий ишлари мавзуларини фақат умумтаълим мактаблари муаммоларига қаратилишини ўқув режасида аниқ кўрсатиш жуда муҳим ва зарур.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар кўп йиллик тажриба ва тадқиқотлар натижаси бўлиб, меҳнат таълими бакалавр таълим йўналиши талабаларининг замон талабларига жавоб берадиган етук мутахассис-педагоглар бўлиб етишишларида муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т.: Маънавият, 2005.
4. Муртазаев М.З., Аҳмедова Г. Оммавий хизмат кўрсатиш тизими учун мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш муаммолари.// Материалы международной научно-практической конференции на тему «Проблемы образования и занятости молодежи”.- Самарқанд, 2006

Гулистон давлат университети,
Андижон давлат университети.
2014 йил 14 июнда қабул қилинган.
(Тақризчи т.ф.н. М.У.Тўраев)